

## Фестивалнинг тўртинчи куни

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти хотин-қизлари учун алоҳида дастур асосида ташкил этилган "Баҳорнинг 5 куни" лойиҳаси давоми яъни, 4-куни факултетлараро талаба-қизлар ўртасида спорт мусобақалари билан бошланди ҳамда қизғин баҳсларга бой бўлди. Спорт мусобақалари ва ўйинлари бўйича якуний натижалар қуйидагича:

Шахмат-шашка мусобақаси бўйича

1-ўрин ГМ факултети

2-ўрин СХТЕ ва Б факултети

3-ўрин ГТҚ факултети



Стол тенниси мусобақаси бўйича

1-ўрин СХТЕ ва Б факултети

2-ўрин ҚХМ факултети

3-ўрин ҚСХЕТ факултети



Бадминтон ўйинида

1-ўрин ЙРБ факултети

2-ўрин ҚСХЕТ факултети

3-ўрин ГТҚ факултетига насиб этди.



Куннинг иккинчи ярмида эса факултетлараро интеллектуал ўйинлар ташкил этилди. "Who is fast" номли тест саволлар, топишмоқлардан иборат интеллектуал беллашув бўлиб ўтди.

Бу беллашувда:

1-ўрин ҚСХЕТ факултети

2-ўрин СХТЕ ва Б ва ГТҚ факултетлари эгаллади. Қизларимиз интеллектуал ўйинларда фаол иштирок этишди.

"Who is fast" тугагандан сўнг, соат 18:30 да 3-Талабалар турар жойи 2-қаватида факултетлараро талаба-қизлар жамоалари ўртасида "Викторина саволлари жавоблар" беллашуви бўлиб ўтди.

"Викторина" беллашувида:

1-ўрин ҚСХЕТ факултети

2-ўрин СХТЕ ва Б факултети

3-ўринни ГТҚ факултети эгаллаб саволларга жавоб бериб, ғолиб деб топилди.



Беллашувларни Институт хотин-қизлар жамоаси раиси ва ташкилотчилар кузатиб боришди. Спорт мусобақалари ва интеллектуал ўйинлар, танловлар, туркум тадбирлари муваффақиятли якунланди ва ушбу лойиҳада иштирок этган барча фаол қизларга миннатдорчилик билдирилди. Эртага "Баҳорнинг 5 куни" фестивалининг охири куни яъни фестивалда фаол иштирок этган, ғолиб

бўлган барча талаба ва ўқитувчи, ходимларни тақдирлаш ва хотин-қизлар фестивалининг тантанали ёпилиш маросими Б бино 4-қават анжуманлар залида соат 11:00 да институт раҳбарияти иштирокида бўлиб ўтади. Институтимиз ёшлари томонидан, хотин-қизлар жамоаси томонидан билдирилган ташаббусни қўллаб-қавватлаб ҳар томонлама ёрдам берган институт раҳбарияти, институт Касаба уюшмаси қўмитаси, факултетлар раҳбарлари, институт бош ҳисобчиси, факултет хотин-қизлар жамоаси раисларига лойиҳада қатнашган барча хотин-қизлар номидан самимий миннатдорчилик билдирамиз. Эртага тақдирлаш маросимига барча факултетлар жамоаларини, профессор-ўқитувчиларни таклиф этамиз.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**